КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумини социалистик мажбуриятимизни бажариш билан кутиб олайлик!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

216 (1736) | 30 октябрь, 1960 йил, якшанба | Баҳоси 20 тийин.



Саодат Турдалиева Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг кўпмингкилограмм чи теримчиси. У ҳозирги кунда 120—150 килограммдан пахта термоқда. Суратда: ўртоқ С. Турдиалиева. С. Аҳмедов фотоси.

Коммунизм қурувчиларнинг ижодий меҳнати

Улуғ Октябрь... Кишилик жамияти тарихида қанчадан-қанча катта воқеалар бўлган. Лекин уларнинг ҳеч бири шонли Октябримизга тенг келолмайди. Чунки бизнинг Октябрда Коммунистик партиямиз иродаси билан, мамлакатимиз халқларининг қаҳрамонона кураш туфайли инсоният тарихида янги давр бошланди. Тарихда бир умр ўчмас ана шу шонли кунни ҳар йили меҳнатда янгидан-янги ғалабалар билан нишонлаш, шу Улуғ байрамга муносиб совғалар тайёрлаш совет кишилари учун ажойиб традиция бўлиб қолган.

Партиямизнинг бу оташин сўзидаги тебраниш мамлакатимиздаги ижодий меҳнаткаш қалбининг туғёнларидан жой олиб, унга туганмас илҳом ва ғайрат бағишлади. Ер юзида ҳеч бир ерда, ҳеч бир давр ва қўшилишларда, колхоз ҳамда совхоз далаларида Октябрдаги умумхалқ социалистик мусобақасининг голиб байроғи тобора баланд кўтарилаётир, областимиз меҳнаткашлари ҳам бу шонли ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Байрамолди социалистик мусобақасида ажойиб натижалар қўлга киритилянти. Областимиз саноати 10 ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Редакциямизга турли шаҳар ва районлардан кети узилмай хушхабарлар келмоқда. Республикамизда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олган Янгийўл шаҳридаги гўшт комбинатининг коллективи гидролиз заводи, 153-трестнинг биринчи қурилиш бошқармаси коллективлари ҳозирнинг ўзидаёқ етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йил планини бажариб қўйиб, келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар. Юқоричирчиқлик аъзамат пахтакорларнинг меҳнатда эришган муваффақиятлари ҳаммамизни бениҳоя ҳурсанд қилди. Улар областимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини шараф билан бажардилар.

Лекин ҳамма ерда ҳам ишларимиз бир текисда кетяпти, деб айтиб бўлмайди. Бир қатор корхоналарда белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилмай қолиши натижасида давлат планлари бажарилмаётир. Жумладан «Ўзбексельмаш», «Ташавтомаш» ва абразив заводлари шу йилнинг 9 ойлик планини бажармадилар. Натижада халқ хўжалиги бир қанча юз минг сўмлик саноат маҳсулотини кам олди.

Областимиз районларида пахта тайёрлаш ва уни давлатга топшириш суръатларини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Айниқса Бекобод, Гулистон ва Янгийўл районлари бу соҳада сустқашлик кўрсатмоқдалар. Илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар бир соатидан тўла ва унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш суръатини кескин ошириш — шу кундаги энг муҳим вазифадир.

Миллионларнинг жонли иши — социалистик мусобақа халқ оммасининг ижодий ташаббусини авж олдиришнинг муҳим омилидир. Ана шу мусобақага бошчилик қилиш, ҳар бир янги ташаббусни ўз вақтида пайқаб олиб, уни қўллаб-қувватлаш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш ва шу йўл билан ялпи юксалишга эришишни таъминлаш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг муҳим бурчидир. Саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари, колхозлари ўртасида, шунингдек, вужудга келган сиёсий активлик, ижодий ташаббус ва меҳнатдаги ғайратни мавжуд резервларни қидириб топиш ва уларни ишга солишга сафарбар этиш зарур.

Улуғ Октябрь байрами яқинлашмоқда. Хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўз олдига катта-катта мақсадларни қўйган мусобақа қатнашчиларига унумли ишлаш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб беришлари ва шу йўл билан байрам шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминлашлари лозим, токи ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз ва совхоз коллективи ўз аҳдининг устидан чиқиб, байрамни ёруғ юз билан кутиб олсин.

Шу йил 13 декабрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми чақирилади. Пленумда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларни етиштириш ва бу маҳсулотларни давлатга сотиш юзасидан 1960 йилги давлат планининг ҳамда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳам ҳисоб беради. Пленум шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбориш ва уни меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олиш — областимиз меҳнаткашларининг шон-шараф ишидир.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик мажбуриятларни бажариш — ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз коллективининг шарафли ишидир! Етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йил халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик!

Юқоричирчиқликлар сўзларининг устидан чиқдилар

ЯНГИБОЗОР. 29 октябрь. (Телефон орқали олинди). Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари октябролди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, янги ғалабага эришдилар. Улар давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган дастлабки социалистик мажбуриятларини бажардилар. Давлатга пландагидан ташқари 2400 тонна пахта сотилди.

Районнинг ўнларча бригадалари ҳар гектар ердан 42 — 45 центнердан ҳосил олдилар.

Бу илғор районнинг пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда яна 15000 тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

УЛУҒ ОКТЯБРГА СОВҒАЛАР



Пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар

Колхозларнинг бригадалари	Планнинг бажарилиши. Процент ҳисобида
Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг ўртоқ **Тен Гим-Сек** бошлиқ бригадаси	134,5
Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг ўртоқ **Эм Сан-Вон** бошлиқ бригадаси	122,3
Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг ўртоқ **Х. Пўлатов** бошлиқ бригадаси	122,3
Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг ўртоқ **Х. Обидов** бошлиқ бригадаси	107,2
Оққўрғон районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ **А. Ўрисбоев** бошлиқ бригадаси	104,2
Оққўрғон районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ **У. Холменов** бошлиқ бригадаси	109,8
Сирдарё районидаги «Красний Октябрь» колхозининг ўртоқ **Т. Акбаров** бошлиқ бригадаси	102,0

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхона ва ташкилотларнинг шу йилнинг 3 кварталидаги мусобақа натижалари якунланди. Ишлаб чиқаришда ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юқори кўрсаткичларга эришган Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроқлари берилди.

«Ташсельмаш» заводи, Чирчиқ электрокимё комбинати, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективларига Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Олтинтопган комбинати, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Солдатскдаги жут-канон заводи, Янгийўл гўшт комбинати, қоғоз комбинати, электротехника заводи коллективлари социалистик мусобақада иккинчи ўринни олдилар. «Узбекуголь» комбинатининг кўмир ва кон устини очиш разрезлари, Тошкентдаги 1-нон заводи, Тошкент гидроэлектростанциялар каскади, Тошкент чарм комбинати, «Автотрактородетали» заводининг коллективлари ўзаро мусобақада учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ хати топширилди

Кеча Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг республика партия ва совет активи иштирокидаги кенгайтирилган бюро мажлисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Самарқанд областидаги 1-наслчилик совхозининг чўқабоқари Жўра Султоновга Н. С. Хрушчевнинг шахсан имзо чеккан табрик хатини топширди. Бу хатда Никита Сергеевич машҳур ўзбек чўқабоқарини ажойиб ғалаба — 946 бош чўчқани семиртириб давлатга 1050 центнер гўшт топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажаргани билан табриклаган.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси номидан Жўра Султоновни фахрий хат олгани билан табриклади ва унга меҳнатда янги ютуқлар тилади.

Жўра Султонов Н. С. Хрушчевнинг хатини олатуриб, оддий совет кишиларига оталарча ғамхўрлик ва эътибор қилгани учун шонли Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига шахсан қадрдон Никита Сергеевич Хрушчевга қизғин миннатдорлик билдирди.— Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV —съездида,— деди Жўра Султонов,— мен 1960 йилда 1000 центнер чўчқа гўшти етиштириш юзасидан социалистик мажбурият олган эдим. Сўзимнинг устидан чиқдим — 9 ойда 1050 центнер гўшт топширдим. Никита Сергеевичнинг самимий табриги, унинг бизга, оддий меҳнаткашларга оталарча эътибори, менга ва наслчилик совхозимизнинг ҳамма коллективини жуда ҳаяжонлантирди. Бу хатга жавобан КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига мен бу йил Ватанга ҳаммаси бўлиб 1300 центнер чўчқа гўшти топширишга аҳд қилдим Улуғ Октябрь байрамигача мажбуриятимнинг ярмини бажараман. Қадрдон Никита Сергеевичга ғамхўрлик қилгани ва эътибор бергани учун раҳмат! Унга сиҳат-саломатлик, севикли Ватанимиз фаровонлиги йўлида, бутун дунёда тинчлик учун қилаётган олижаноб ишларида муваффақиятлар тилайман.

Маълумки, шу йилнинг ноябрь ойи охирида Ўзбекистон КП Марказий Комитети чўчқачилик фермалари ходимларининг республика кенгашини чақиради. Унда Н. С. Хрушчевнинг Самарқанд областидаги 1-наслчилик совхозининг чўчқабоқари Жўра Султоновга табриги ва республикада чўчқачиликни янада ривожлантириш вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Кенгашда Жўра Султонов ва республикамиздаги бошқа донгдор чўчқабоқарлар ўз тажрибаларини сўзлаб берадилар.

Ҳозир Ўзбекистонда чўчқабоқарлар ва барча чорвадорларнинг КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми шарафига, етти йилликнинг иккинчи йили социалистик мажбуриятини муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ мусобақаси ҳамма ерда кенг авж олиб кетди.

ТОШКЕНТ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ — БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБИ

Тошкент [illegible] темирйўллари мамлакат темир йўллари мусобақасида бирдан бирмай келаётир. III квартал иш якунларига кўра [illegible] коллективига бешинчи марта суринкасига СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС кўчма Қизил байроғи берилди.

Темир йўл коллектив асосий кўрсаткичлар бўйича планни ойма-ой [illegible] ошириб бажармоқда. Йил бошидан бери программадан ташқари [illegible] юз минг тонна юк ортилди. Тепловозларнинг [illegible] суткада ўртача юрадиган масофаси бўйича тонна-километр [illegible] бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва [illegible] анархини пасайтириш бўйича топширилган ортиги [illegible] олинди. Пландан ташқари 15 миллион сўмдан кўпроқ фонд [illegible] этолларини таъмирлаштириш ва йўлни техника билан таъминлаш муваффақиятли давом эттирилди. Самарқанд-Урсатьевская участкасида «ТЭ-3» тепловозларидан фойдаланиш 40 та ҳаровоздан воз кечишга имкон берди.

Октябрдаги мусобақаси кунларида коммунистик меҳнат участкаси, бригадаси, сменаси, корхонаси номини олиш учун курашаётган коллективлар сони бир ярим мингга етди. Улардан 317 таси фахрий номни олди. Тошкент магистралининг темирйўлчилари янги социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЕР ҲАЙДАСАНГ КУЗ ҲАЙДА

«Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган ҳикматли халқ мақоли бор. Бунга амал қилиб иш тутаётган ва келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашаётган деҳқонлар кузги шудгорни ҳартарафлама кучайтирмоқдалар.

Калинин районининг сабзавотчилари бу соҳада яхши натижага эришаётирлар. Кейинги беш кунликда кузги шудгор суръати янада кучайтирилди. Районда планга нисбатан 10,9 процент ер ҳайдалди. «Тошкент» совхозида (директори ўртоқ А. Тоиров), Пискент районидаги «Пискент» (директори ўртоқ Кисилёв) совхозлари ҳам ўтган беш кунлинда шудгорлаш соҳасида яхши натижаларга эришдилар.

Лекин областимизда шудгорлашга етарли эътибор бермай, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрламаётган районлар ҳам йўқ эмас. Гулистон районини шундай районлар қаторига қўшиш мумкин. Районда шудгорлаш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган, бу муҳим иш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти деса бўлади. Районда кейинги беш кунда фақат 0,6 процент шудгор қилингани буни яққол кўрсатади. Бўка районида беш кунликда 1,3 процент, Янгийўл районида 1,4, Бекобод ва Оққўрғон районлари эса 1,6 процент ерни шудгор қилган, холос.

Бир қатор совхозларда кузги шудгор суръати жуда ҳам паст. 2-«Далварзин» совхози ўтган беш кунликда бор-йўғи 0,3 процент, 3-«Боёвут» совхози (директори ўртоқ Иноятов) 0,9 процент, Киров номли совхоз (директори ўртоқ Турсунбоев) 1 процент, «Гулистон» совхози (директори ўртоқ Ғаниев) 1,1 ва «Чаноқ» совхози (директори ўртоқ Игнатенко) 1,6 процент миқдорида шудгор қилиб, бошқа хўжаликлардан орқада қолаётирлар. Бу совхозларнинг раҳбарлари шудгорни кучайтириш ва мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаётирлар.

Кузги шудгорни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун тракторлар ремонтини тезлатиш зарур. Бир қатор районларда техника ремонти судралаётгани сабабли кузги шудгор ҳам кечикаётир. Бекобод районида мавжуд трансторларнинг фақат 57,5 процентти, Гулистон районида 51,5 процентти, Сирдарё районида 50 процентти, Янгиер шаҳрида 53 процентти ремонтдан чиқарилган, холос. Шаҳар ва район партия ташкилотлари, совхозларнинг раҳбарлари трансторларни тўла ишга солмай туриб, кузги шудгор планини бажариб бўлмаслигини яхши тушунадилар. Лекин бунга эътибор бермаётганлари ажабланарлидир.

Трансторчиларимиз ҳар вақтда гидек кузги шудгорда ҳам намуна кўрсатишлари керак. Улуғ Октябрнинг 43 йиллик байрами шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ерларни шудгор қилишда юқори кўрсатичга эришайлик. Бу трансторчиларимизнинг шонли байрамга муносиб совғаси бўлади.



ОБЛАСТИМИЗНИНГ ДОНГДОР КИШИЛАРИ

ГЕКТАРИДАН 58 ЦЕНТНЕРДАН

ҲАММА ҲОСИЛ МАШИНАДА ТЕРИБ ОЛИНДИ

Ўртоқ Алмат Алимқулов бошлиқ бригада аъзолари йил бошида: «Биз бу йил 50 гектар ернинг ҳар гектаридан кам деганда 52 центнердан ҳосил кўтарамиз» деб зиммаларига юксак мажбурият олганларида баъзилар «катта кетиб юборишди» деб шубҳаланган эдилар.

Йўқ, азамат бригадир бош бўлган тўрт навқирон йигит эл-юрт олдида берган ваъдаларини дўндириб ўрнига қўядиган кишилар эди. Навбаҳордан то мана шу олтин куз фаслигача бир ёқадан бош чиқариб, бир жону-бир тан бўлиб меҳнат қилган беш баҳодирнинг тинчлик хирмонига тўкқан пахтаси баракали бўлди. Илғари шўбҳа билан қараган ҳалиги кишилар эллик икки ўрнига эллик саккиз центнердан «оқ олтин» кўтарган азамат йигитларга таҳсин ўқидилар.

Бригада қаши қўлини қўконтирадиган бундай муваффақиятга қандай қилиб эришди? Аввало бригадада механизацияга меҳр-муҳаббат билан қаралди. Экин майдонининг ҳаммасига белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экилди. Ҳеч қандай қўл меҳнати сарфланмаган ўғит етиштирилган ҳосилнинг деярлик ҳаммаси машиналар ёрдамида териб олинди. Натижада бир центнер пахта етиштириш учун 70 сўмдан пул сарфланди, холос.

— Бу бригадада, — дейди колхоз раиси Ўртоқ А. Турдиев, — «сен шунча меҳнат куни ишладинг, сен мана шунча ҳақ оласан» деган гап бўлгани йўқ. «Баббаравар ишлаб, келган даромадни баббаравар тақсимлаб оламиз». Мана шу гап бригада аъзоларининг шиори бўлди. Мана хомўғт ҳам қилиб чиқдик. Худайқул Аноркулов, Аликул Турдиқулов, Раҳмат Хазраткулов, Бован Жиянбоев ва бригада бошлиғи Алмат Алимқуловларнинг ҳар бири 60 минг сўмдан пул. 2 тоннадан шоли, 2 тоннадан дон даромад қилибдилар.

Бригадада ҳосил батамом йиғиштириб олиниб, шудгор ҳам сифатли тамомланди, яхоб суви бериш бошланди. Бу келгуси йилда ҳам мўл пахта ҳосили етиштиришнинг мустаҳкам пойдевори қурилаётган сўзидир.

Суратда: Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг бригада бошлиғи, азамат йигит Ўртоқ Алмат АЛИМҚУЛОВ.

В. Салов фотоси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ


29 октябргача Хоразм области бир кунда 1,40 процент, мавсум бошидан бери 82,45 процент, Андижон области бир кунда 0,58, мавсум бошидан бери 75,67 процент, Сурхондарё области бир кунда 0,60, мавсум бошидан бери 71,20 процент, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 1,07, мавсум бошидан бери 67,32 процент, Фарғона области бир кунда 0,52, мавсум бошидан бери 66,78 процент, Тошкент области бир кунда 0,45, мавсум бошидан бери 62,50 процент, Самарқанд области бир кунда 0,78, мавсум бошидан бери 60,70 процент, Бухоро области бир кунда 0,70, мавсум бошидан бери 58,93 процент пахта тайёладилар.



(29 октябргача бўлган маълумот)

Районлар ва совхозлар номи	Бир кунда процент ҳисобида: Мажбурият	Бир кунда процент ҳисобида: План	Мавсум бошидан процент ҳисобида: Мажбурият	Мавсум бошидан процент ҳисобида: План	Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида: Бир кунда	Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида: Мавсум бошидан
РАЙОНЛАР БЎЙИЧА						
Юқори Чирчиқ	0,81	1,00	88,25	108,23	1,27	105,73
Қуйи Чирчиқ	0,88	1,01	68,73	79,07	0,11	65,81
Ўрта Чирчиқ	0,43	0,48	65,48	71,88	1,05	39,50
Бўка	0,62	0,67	63,23	69,16	1,79	65,05
Чиноз	0,58	0,62	62,71	66,93	0,67	34,39
Пискент	0,37	0,41	61,70	68,55	1,20	57,14
Сирдарё	0,29	0,31	57,60	61,62	0,65	49,50
Оққўрғон	0,44	0,48	56,54	62,00	0,69	45,42
Янгийўл	0,64	0,73	52,17	59,17	0,69	38,86
Оржоникидзе	0,27	0,31	50,16	58,55	0,44	29,64
Гулистон	0,19	0,21	49,70	57,03	—	35,00
Бекобод	0,24	0,28	45,79	53,02	0,59	36,45
Янгиер	0,33	0,36	47,50	51,59	0,71	47,31
Область бўйича	0,42	0,45	56,88	62,50	0,68	44,98
СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА						
«Ўз ССР беш йиллиги»	0,90	1,01	66,72	75,24	—	66,53
«Бўка»	0,18	0,23	60,76	75,95	0,56	78,25
«Малик»	0,47	0,56	60,62	72,74	0,70	71,42
«Пискент»	0,48	0,54	59,25	67,08	1,48	61,25
«Оққўрғон»	0,54	0,59	53,73	59,28	0,27	51,01
1-«Боёвут»	0,47	0,51	51,50	56,79	1,02	52,32
1-«Далварзин»	0,39	0,43	51,19	57,20	0,91	47,86
«Гулистон»	0,11	0,19	50,82	83,79	—	44,85
«Социализм»	0,26	0,32	50,18	63,13	—	49,33
Киров номли	0,24	0,28	49,22	56,75	0,40	32,97
«Фарҳод»	0,37	0,38	49,16	50,25	0,60	52,05
«Мирзачўл»	0,51	0,65	46,28	58,30	—	21,84
3-«Боёвут»	0,23	0,25	44,85	48,66	0,55	54,06
«Чаноқ»	0,13	0,17	42,36	55,47	0,44	32,83
2-«Далварзин»	0,34	0,44	40,60	51,32	0,73	41,97
2-«Боёвут»	—	—	37,63	39,83	—	39,44
«Дружба»	—	—	34,00	35,62	—	4,57

Терим суръатини ошириш учун ғайрат-шижоат билан ишлайлик!



Суратларда: (чапдан) областимиз колхозларининг кўпминг килограммчиларидан Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг аъзоси Замира Ҳасанова, Сирдарё районидаги Сталин номли колхоздан Аниса Илёсова, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Раҳима Ҳакимова, Янгийўл районидаги Ленин номли колхоздан Гулбуви Деҳқонова ўртоқлар. Уларнинг ҳар бири эл хирмонига кунига 130—150 килограммдан «оқ олтин» териб тўкмоқда.

М. Шевелев, А. Абальян, М. Устабобоев фотолари.

Ҳисобингизни йўқотиб қўйибсиз, ўртоқ Шукуралиев

Пахта пункти олдига «ГАЗ-69» машинаси келиб тўхтади. Унинг эшиклари зарда билан тарс-турс ёпилгач, дарвоза олдида турган одамлар безанглаб қолдилар. Айримлари ўзларини панага олди.

— Қани арава!— кимгадир дағдаға қилди машинадан тушган одам. Унинг саволига ҳечким жавоб бермади. Афтидан ҳамма унинг дағдағасидан энсаси қотди ёки унга рўпара бўлишдан чўчишди.

— Қани деяпман!— яна сўради у. Шундагина биров кўрқа-писа жавоб қилди:

— Қайтиб кетди.

— Нимага кетди! Ҳечёққа кетмасин девдим-ку!

Яна ҳечким индамади. Биз бу одамнинг бунчалик тажанглигига ҳайрон эдик. Сабаби ҳам маълум бўлиб қолди.

— Раисимиз шу киши бўладилар,— шивирлади ёнимизда турган бир киши.

— Қанақа аравани сўраяпти?

— Ҳали пахтаси қайтди-ку, ўшани айтаяптилар.

Гапнинг мазмунига энди тушундик. Бу воқеанинг тафсилоти мана бундай. 26 октябрь куни кечқурун соат 8 ларда пункт ҳовлисига бир арава кириб келди. Арава тарозига чиққач, қабул қилувчилар пахтанинг ҳўл-қуруқлигини текшириб кўрдилар. Намлиги ҳаддан ортиқ бўлгани учун уни қабул қилишмади. Аравада 8 ё 10 қанор пахта бор эди. Аравакаш раисни пеш қилиб, қабул қилувчилар билан кўп айтишди.

— Олмасангиз олманг!— деди у ниҳоят. Қишлоқнинг бир айланиб, яна олиб келавераман. Ҳозир бўлса, кейинги сафар оларсизлар.

Шу пахтадан лабораторияга намуна олиб қолишган эди. Старший лаборант ўртоқ Ж. Шевченкодан натижасини сўрадик. Намлиги унча-мунча ҳам эмас, 20 процент экан. 9-бригаданинг хирмонидан келтиришипти. Гапнинг қисқаси, Дзержинский номли колхозининг раиси ўртоқ Абдуқодир Шукуралиев шу пахтани қабул қилдирмоқчи экан. Унга нима: қабул қилсин дейди, гап тамом. Биров унинг гапларини икки қилиб кўрсинчи.

Хўш, пункт нам пахтани қабул қилаверса бўлмайдими? Бундай қилиш ҳам мумкин. Бироқ, колхознинг ўз территориясига жойлашган пунктда қуритиш цехи йўқ. Ахир бу пункт кўпи билан 5 минг тонна пахта қабул қилишга мўлжалланган, холос. Хўл пахтани олиб қаерда қуритади? Бунтга босаверса, кўпол жиноят бўлади-ку. Раисининг эса бу билан иши йўқ, ҳар куни устма-устига хўл пахта келтираверади. Одамларни, транспортни овора қилаверади.

Яна бир гап. Пунктлар хўл пахта қабул қилган тақдирда ҳам бу иш колхозга катта зарар. Чунки колхоз қуритиш ишлари учун пунктга анчагина ҳақ тўлаши керак. Буни қуйидаги мисолдан кўрса бўлади:

Жумабозор қишлоғидаги Ўзбекобод пункти Дзержинский номли колхоздан 9—10 километр нарида. Колхоз бу пунктга ҳам салкам 242 тонна пахта топширди. Шунинг 38 тонна 589 килограммини хўл ва ифлослиги учун скидкага чиқарилди. Бундан ташқари, топширилган пахтани тозалаш ва қуритиш учун пункт салкам 14 минг сўм ҳақ олди.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. 27 октябрь куни Ўзбекобод пахта пунктида бўлдик. Пункт мудиридан тортиб, лаборатория ходимларигача ҳаммасининг қовоғи солиқ эди. Кейин билсак, раис Абдуқодир Шукуралиев уларга захрини сочиб кетипти. Биз сизларга 242 тонна пахта етказганмиз, 39 тонна пахтамизни топиб беринг деб тиқилинч қилипти.

Йўқнинг кўнгли йўрға тилапти деган гап бор. Раис Шукуралиевнинг кўнгли ҳам шунга ўхшаш. У пунктга хўл, ифлос пахта топшираверсаю, пункт ундан скидка ҳам олмаса, ҳақ ҳам. Бунақа экан у раис бўлатуриб нега ифлос пахта теришга йўл қўяди? Нега терилган пахтани бригадаларнинг ўзида қуритиб, кейин давлатга соттирмайди? Демак, бу ерда пункт эмас, колхоз раҳбарлари, аввало раис айбдор.

Колхозда пахта тайёрлашнинг сифатига ёмон эътибор берилаётгани кўриниб турипти. Хўш, суръат қалай, суръат? План бажарилиши яқинми? Ҳамма гап шундада. Бу колхоз раҳбарлари ёз бўйи район йиғилишида «ишимиз яхши» деб мақтаниб келган эдилар. Энди ҳаммадан орқада қолишди. Бекобод районининг областда энг орқада қолишига ҳам аввало шу колхоз сабабчи бўлаётир. 27 октябргача бўлган маълумотга қараганда, йиллик план эндигина 45 процентдан сал ортди. Мажбурият 35 процент бажарилди, холос. Шунга қарамай, терим суръати жуда паст. Ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаётир. Теримда қатнашаётган одамларнинг иш уними ҳам ёмон. Масалан, 26 октябрда ўртоқ Шариф Қулмуродов бошлиқ бригаданинг 17 аъзоси 830 килограмм, ўртоқ Умаржул Холматов бошлиқ бригаданинг 27 аъзоси 1.500 килограмм подбор терган.

Агар раис Шукуралиевдан нега иш унуми жуда паст деб сўрасангиз, «яхши очилган пахтамиз йўқ» деб жавоб беради. Ҳатто «ишқилиб тезроқ совуқ тушсин, бўлмаса кўрагимиз очилмайди» дейди. Бироқ, колхозда илгари терим қизғин бораётган пайтда ҳам суръат ёмон эди. Буни раисниг 3 октябрда район партия комитетининг пленумида айтган гапларидан ҳам билса бўлади.

— Кечаги 2 октябрда, — деган эди у пленум минбаридан туриб,— колхозимизда 342 теримчи кунлик иш нормасини бажармади. Ҳар қайси пахта териш машинаси ўрта ҳисобда 500 килограммдан пахта терди.

Ҳозирги кунда ўрта ҳисобда 1.550 киши пахта термоқда. 1000 га яқин ўқувчи дарсдан кейин далага чиқиб, ота-оналарга ёрдам бераётипти. Бироқ, шунча куч билан ҳам ҳали бугун бўлиб ўтган кунларнинг 50—55 тонна пахта терилмоқда. Ҳар бир ўқувчи ўртача 10 килограммдан пахта тераётир деб хомчўт қилганимизда ҳам колхоздаги асосий теримчилар бир кунда 23—24 килограммдан пахта терган бўлади. Аммо раис Шукуралиев ишнинг бу томонларини ишчан раҳбарларга хос айпаклик билан пайқаб олмаётир. Айниқса одамларнинг ишга кеч чиқиб, эрта қайтиши сингари катта камчиликларга барҳам берилмаяпти. Бунинг ўрнига қабул қилиш пунктларига хом, ифлос пахта топширилмоқда. Кўра-била туриб, ўз хўжалигига зарар келтирмоқда.

Мана шу фактнинг ўзи ҳам илгари хўжаликни яхши бошқарган раис эндиликда ҳисобни йўқотиб қўйганлигидан дарак беради.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Булар колхозчилардан қолишмайди

Шу кунларда Чиноз районидаги Ленин номли колхоз даласида бўлсангиз, пахтакорлар билан бирга «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда зўр гайрат ва шижоат кўрсатаб меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларни ҳам кўрасиз. «Ташсельмаш» заводининг 100 дан ортиқ ишчиси ҳар куни колхоз хирмонига 6 — 7 тоннадан пахта тўкмоқда. Далада колхозчилар билан ўзаро мусобақалашиб ишлаётган ишчилар нормани икки баравар қилиб бажаришмоқда. Т. Кўчқоров, Ш. Турдиев, В. Мирошниченко ва Н. Котова ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар ҳар куни 120—130 килограммдан пахта теришмоқда. Механизатор колхозчилардан кам қолишмайдиган Анисья Шестакова ҳам ҳар куни 60 тоннадан ортиқ «оқ олтин» теришмоқда.

Колхоз далаларида Тошкентдаги кабель заводининг 60 нафар ишчиси ҳам пахта теришмоқда. Заводнинг ўртоқлари Сингари ишчилари колхоз хирмонига ҳар куни 100 килограммдан ошириб пахта тўкмоқдалар. Кўмакчилар колхоз аъзоларининг пахта тайёрлаш йиллик планини Улуг Октябрнинг 43 йиллигигача бажариш йўлида олиб бораётган курашларига салмоқли мадад беришяпти.

Т. ИМОМОВ.

Машина—теримда катта куч

Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозида иш қизғин тус олган. Колхоз аъзолари бу йил давлатга минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олиб, шу кунларда пахта терими суръатини авж олдириб юбордилар. Колхоздаги 3 та «ХВС-1,2» ва 7 та «СХМ-48» маркали машиналар ёппасига ишга жалб этилган.

Колхознинг Х. Шералиев, Фойибов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида дастлабки кунларда пахта териш машиналарига бепарволик билан қарадилар, яъни ўқариқлар текисланмаганлиги натижасида машиналар 5—6 соатлаб тўхтаб турарди. Кейинги кунларда бу камчиликни тугатиш йўлида катта ишлар амалга оширилди.

Коммунист Нури Муродов бошчилик қилаётган бригада машина билан кунига 10 процентдан пахта тайёрламоқда. Колхозда пахтани машинада теришда жонбозлик кўрсатаётган механик-ҳайдовчи Исроф Муродов «ХВС-1,2» машинасида кунига хирмонга 7—8 тоннадан пахта тўкмоқда. Мавсумда 300 тоннадан пахта теришга аҳд қилган ака-ука Зулфидоровларнинг ҳар бири ҳозиргача 70—80 тонналаб пахта тердилар.

Р. ҒАФУРОВ.

Икки бригаданинг чуваффақияти

Кеч кирган ўртоқ Кўргон районидаги Калинровномли колхозда хушхабар соҳалди. Икки бригада пахта ташлаш йиллик планини бажарди. Ўртоқ Кубин Калменовнинг бригада аъзолари ҳар бирлари ердан 29,7 центнердан ҳосил кўтардилар. Улар Улуғ Октябрь байрамининг 43 йиллигини яна ҳар гектаридан 5 центнердан пахта топшириш билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Ўртоқ Овул Ўразбоев бошлиқ бригада аъзолари ҳам 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни муддатидан илгари 105 процент адо этдилар. Байрамолди социалистик мусобақасини кучайтириб, улар яна ҳар гектар ердан 10 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

Колхознинг механик-ҳайдовчиларидан Бешбой Эшонқулов ХВС-1,2 машинаси билан ҳозиргача хирмонга 134 тонна пахта тўкди. У, бу миқдорни 7 ноябргача 250 тоннага етказишга ваъда берди. Ҳозир Бешбой ўз сўзининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

М. МИРЗАЕВА,
Т. ЮНУСОВА.

Колхозчилар санъаткорлардан миннатдор

Областимизнинг барча меҳнаткашлари қатори пойтахтимизнинг санъаткорлари ҳам азамат пахтакорлар етиштирган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда колхозчиларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Дам олиш куни Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик опера ва балет театри коллективи Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозга чиқиб, пахтакорларга ёрдам кўрсатдилар. Коллектив шу куннинг ўзидаёқ колхознинг Жданов участкасидаги 5—7—9-бригадаларда бўлиб, 2 тоннадан зиёд пахта териб, хирмонга топширди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг бошқа театр ва концерт ташкилотлари ҳам пахта теришда ўзларининг олижаноб ватанпарварлик бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Санъаткорларнинг бу ташаббусидан колхозчилар миннатдорлар.

Н. ИНОҚОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
2-БЕТ, 30 ОКТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Омина бугун ҳар кунгидан ҳам эрта турди. Ҳовли ўртасида шилдираб оқаётган тип-тиниқ сувга роҳат қилиб юз-қўлларини ювди. Ошкомдаги шира бойлаб пишиб ётган узумлардан олди. Сўнгра пахтазорга шошилди. У кеча белгилаб қўйилган пайкалга келганида ҳеч ким йўқ эди.

Бугун менга етадигани бўлмаса керак, деб ўйлади у, теримга тушар экан. Тоғ орқасидан қуёш мўралаганида Омина роса бир қанорни тўлдириб, оғзини тикиб қўйди. Иккинчи қанорни ҳам тўлдиришга жазм қилиб этак боғлаганида пайкалнинг нариги четида оқариб кўринган хирмончага кўзи тушди. Масофа анчагина бўлса ҳам Омина уни терган чеварни таниди. Бу мусобақадоши Сабоҳат эди. Бугун ҳам мендан олдин келганга ўхшайди — ҳаёлидан ўтказди у ва яна ҳам тезроқ ҳаракат қила бошлади.

Шу пайт оппоқ пахтазор бўйлаб майин ёқимли куй эрала бошлади. Қўшиқ айтаётган тип-тиниқ сувга роҳат қилиб юз-қўлларини ювди. Ошкомдаги шира бойлаб пишиб ётган узумлардан олди. Сўнгра пахтазорга шошилди. У кеча белгилаб қўйилган пайкалга келганида ҳеч ким йўқ эди.

Бугун менга етадигани бўлмаса керак, деб ўйлади у, теримга тушар экан. Тоғ орқасидан қуёш мўралаганида Омина роса бир қанорни тўлдириб, оғзини тикиб қўйди. Иккинчи қанорни ҳам тўлдиришга жазм қилиб этак боғлаганида пайкалнинг нариги четида оқариб кўринган хирмончага кўзи тушди. Масофа анчагина бўлса ҳам Омина уни терган чеварни таниди. Бу мусобақадоши Сабоҳат эди. Бугун ҳам мендан олдин келганга ўхшайди — ҳаёлидан ўтказди у ва яна ҳам тезроқ ҳаракат қила бошлади.

Шу пайт оппоқ пахтазор бўйлаб майин ёқимли куй эрала бошлади. Қўшиқ айтаётган қиз бригада аъзолари таърифлаганидек пахтазор булбули Мамлакат эди. Ана шундай куй янграётган пахтазорда Сабоҳат Жўраева, Турсуной Иномбоева, Омина Намозова ва Мамлакатлар жавлон уриб пахта термоқдалар. Булар ҳар куни хирмонга 150 — 170 килограммдан пахта топширадилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг Қўлдош Нуров бошлиқ бригада аъзолари бу йил 130 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир йиғим-терим қизғин тус олган. Ҳар куни 1,5—2 процент пахта тайёрланмоқда. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган бригада аъзолари суръатни кун сайин кучайтираётирлар.

С. ШОКАРИМОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Пассажирлар эътирози ҳисобга олинди

Тошкент тўқимачилик комбинатининг бир группа ишчилари ва 56-мактаб ўқитувчиларининг Бируний майдони билан Чўпон ота ўртасида қатнайдиган автобусларнинг ишидан норозилик билдириб, редакцияга ёзган шикоятлари текшириш ва чора кўриш учун Республика автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига юборилган эди.

Министрликнинг пассажирлар ташиш Бош бошқармаси бошлиғи ўртоқ З. Содиқовнинг редакцияга хабар қилишича, шикоятда келтирилган эътирозлар тўғри деб топилган.

3-автобуслар паркининг директори ўртоқ Рашидовдан Бируний майдонидан жўнаб кетадиган автобуслар ишини тартибга солиш, айниқса Чўпон ота маршрути ишини қаттиқ назорат қилиш, автобусларнинг белгиланган жойларда сўзсиз тўхташини ҳамда график асосида юришини таъмин этиш талаб қилинган. Диспетчер ва рўйхатчиларнинг ишида тартиб ўрнатилган, контроль қилиш кучайтирилган.

Бируний майдони — Чўпон ота маршрутида автобуслардаги тиқилинчликни тугатиш мақсадида Бируний майдони билан Захарий ўртасидаги маршрут Оқтепагача узайтирилиб, бу орада қатнаш учун 6 та «ПАЗ-652» маркали янги машиналар ажратиб берилган.

Иброҳим РАҲИМ.

Зангор кема капитани

Ёзувчи Иброҳим Раҳим «Зангор кема капитани» номли янги повестини ёзиб тамомлади. Повестда пахта комбайнларини яратувчилар ва ишлатувчиларнинг ҳаёти тасвирланади. Қуйида шу повестнинг охирги қисмидан парча босамиз.

Айтган соат, айтган дақиқада мотоциклини ғизиллатиб бош механик Мавлонов етиб келди. Унинг кўча чангитиб ўтишини кутиб турган ёки маслаҳатлашиб олишган эканларми, мотоцикл гилдираклари кўтарган чанг босилмай туриб, коляскаларда, велосипедларда, баъзилари отда-пиёда совхоз механизаторлари йиғила бошлади. Ҳаммадан кейин Алишер келди. Юзлари гардга беланган тегирмончидек чанг, кийимларида оппоқ пахта тивитлари. Ўзи ҳорғин, аммо руҳан тетик.

— Ҳормanглар, азаматлар, — деди у «Газикдан» тушиб.— Тўйбоши қани, тўйбоши?

— Тўйбоши қозон бошида, — деди ҳазилкашлардан бири.

Алишер Сафарбаровни шийпон ошхонасидаги дошқозон бошида учратди. У ҳил-ҳил пишган гўштни тўғраб, лаганларга босмоқда эди.

— Тўйлар муборак бўлсин, оқсоқол!

— Ийе, ийе, келинг, Алишер, келинг! — деди Сафарбаров ва қўлларидаги ёғни ялаб, сочиққа артгач, у билан икки қўллаб кўришди. — Андак кеч қолдингиз. Сизга аталган устихонни бош механикка бериб юбормоқчи эдим.

— Қачондан бери бош механикка устихон ўзатадиган бўлиб қолдингиз?— Алишер ҳазил бошлаб юборди. — Кўчамдан ўтма, пахтамни тўкасан, дер эдингиз-ку?

— Дўстим Алишернинг юкини енгил қилгани учун-да! Бош механикнинг егани сизнинг еганингиз, деб биламан.

— Шуни тушуниб олган бўлсангиз, устихон тугул шўрвамни ҳам бошмехга узатинг.

— Бора-бора «мен учун бошмех худо деб қўйсин»га тушиб қолмасангиз, дейман.

Механик-ҳайдовчилар уларни қуршаб олишди. Аскияга бош механизатор Мавлонов ҳам аралашиб кетди.

— Шунча йилдан бери Сафарбаровнинг гўзасини чангитиб юрган эдик, бугун чангини қоқиб кетадиган бўлдик.

Яна Алишер сўз олди.

— Пахтасини эмас, кўзини чанг [illegible] ҳамроҳларига «бас энди» дегандай ишора қилиб қўйди. Мавлоновнинг назарида муз эриб, тўғон қуламоқда. Яқиндагина «ота-боболаримиз машинасиз ҳам пахта териб келганку» деб юрган киши, «кўтар машинангни, пахта терқсиз қолмайди» деб механизаторни ҳайдаган одам бугун механик-ҳайдовчиларга зиёфат бериб ўтирипти. «Бурилиш! Онгли бурилиш!» деб ўйлаб қувониб кетди.

— Мен ушбуни, —деди пиёлани баланд кўтариб бош механик Мавлонов, — Сафарбаровнинг соғлиғи учун ичаман.

Сафарбаров югуриб келиб «нимани ичасан?» деб сўраб қолди. Сафарбаров зиёфатга ичкилик қўймаган эди, ароқни қаёқдан олибди? Мавлонов столнинг тагидан бир шиша олиб, бўш пиёлага қуйиб, унга ҳам узатди.

— Олинг, сизнинг соғлиғингизга!

Алишер ҳазилкашлик билан луқма ташлади.

— Қачондан бери оғиз-бурун ўпишиб қолдиларингиз?... Пастдан «тўғри, тўғри» деган овоз эшитилди. Механик-ҳайдовчилардан бири, икки марта Сафарбаровнинг қувригига учраган паст бўйли йигит ўрнидан туриб қўшимча қилди:

— Ер ҳайдаш, культивация даврида «давай машина» деб, терим вақтида «кўтар бунингни» деган одамнинг соғлиғига ичмайман, ичса бош механикнинг ўзи ичсин.

Сафарбаров кўпчилик орасида айтилган бу гап сақич бўлиб чайналиб кетмасин учун унга батафсил изоҳ беришни лозим кўрди.

—Машинанг пахтачайнар бўлмаганда эди, сени ҳам Йигиталига ўхшатиб қорақўчқор илигида боқардим. Аммо сени даладан ҳайдаганим рост. Пахтани увол қилиб юборганинг учун ҳайдаганман. Сенга бир мисол айтай: нон бугдойдан бўлади. Бугдойни ўриб олгач, тўқмоқда уриб, отда янчиқ қилардик, тегирмонда эзгилаб ун қилардик. Аммо нон бўлиб ясалдими — бошга қўйиб, кўзга суртардик ва ҳозир ҳам шундай. Нонинг битта увогини босиб кўрчи — кўр бўласан! Пахта ҳам мисоли бир нон. Уни топталганнинг оёги синади. Пахтани увол қиладиганни ҳозир ҳам пайкалдан ҳайдаб чиқараман.

— Сиздан утина, биздан бутина—... деди ҳалиги механик. — Қарс икки қўлдан чиқади.

—Қизлархон, — деди Мавлонов ўрнидан туриб, қўл қовуштириб,— эртага бизникига зиёфатга. Менинг кўчқорим йўқ. Бедана кабоб қилиб бераман. Олдиндан айтиб қўяй: бедана ҳам бункерга интиладиган бўлиб қолибди.

Яхши гап келиб қолди шекилли Алишер ўрнидан туриб кетди ва Сафарбаровга ишора қилиб туриб деди:

— Бедана уёқда турсин, дочинлар ҳам бункерга тикиладиган бўлиб қолипти.

Қаттиқ кулги кўтарилиб, далага ёйилди ва узоқ-узоқларга ҳам янгради.

Қизлархон эртасига, индинига ва ундан сўнгги кун ҳам Бодомзор механизаторларининг меҳмони бўлди. Бир қоп таассурот, бир арава фикр билан юрипти. Бугун Йигитали машинасининг бункеридан пахта тонналаб ўн бирга етди. Сафарбаров бу машинани «соз терар» қўйиб олди.

— Кўрдингизми, Қизлархон, «соз терар» ҳам, теримчиси ҳам сиз билан тирик,— деди у ҳазиллашиб.— Агар сиз кетиб қолсангиз, иккаласи бирданига тоб ташлаб юбормаса деб қўрқаман.

Қизлархоннинг юзи нафис қизариб, нақшонлашиб кетди. У латиф қизларга хос, иффат билан деди:

— Қўрқманг, Йигитали ака ишончли одам...

Йигитали Қизлархоннинг кетар пайти яқинлашаётганидан зорланиб, «нега сени унда, нега мени бунда яратди!» ашуласини бошлаб юборди! Бу ашула Сафарбаровнинг кўнглидаги гапини топиб берди. У гўё Йигиталидан кафолат олгандай гап маъқуллатишга тушди.

— Сиз ҳам «ишончли одам»нинг ёнида қолаверинг! Биригиз унда, биригиз бунда юрганингиз нимаси?!

Қизлархон ўйланиб қолди. Йигитали бунда, Қизлархон унда... Қаёнгача шундоқ? Йигитали касбини ташлаб кетгуси йўқ, Қизлархонни ҳам осонликча зводдан чиқармайдилар. «Мактубий ҳаёт!» кечиришдан нима фойда?

— Иккиланманг, Қизлархон,— деди Сафарбаров. — Кўриб турибсизки, қишлоққа ҳам инженер керак. Шунча машинани ташлаб кетасизми? Машинани ташлаб кетсангиз ҳам, Йигиталининг кўзларини ёшлаб кетмасангиз бас...

Қизлархоннинг қошлари чимирилиб қолди. Лаби-лабига тишлаб ёпишиб турипти. Сафар Даюванинг назарида Қизлархон икки эгала-Унинг Бодомзорда қолгани нали. Бунда машиналарни ҳам тиборот. механик-ҳайдовчи», «махсус ла-цер»га эга бўлса ёмонми? Сафаров қайси Алишердан кам? Агар Қизлархонни кўндирса, Алишерлар билан дадил беллашаверади.

Йигитали ҳамон «Нега сени унда, нега мени бунда яратди?» деганича чаман ораламоқда. Қўли рулда бўлса ҳам кўзи Қизлархонда. Унинг хаёлида Қизлархон... Ана, анор юзли, қумри кўзли қиз қора қошларини чимириб турипти. «Кетма, ёрим, кетма!» деди унинг хаёли. Шундан кейин «кетма, ёрим, кетма!» ашуласи янгради...

Қизлархонни оппоқ пахталар ҳам кетма деяпти. Бодомзорда пахта қийғос очилиб, совхоз ишчиларини шошилтириб қўйди.

Машина оз. Граммлардан тонналар териб олиш осонми, уларга кўмаклашмоқ керак!

Йигитали ҳамон «кетма, ёрим!» демоқда.

Унинг қулоғига қуюлиб, дилидан жой олган бу янгроқ садо Қизлархонни беихтиёр хаёлга чўмди. Хаёлдан тез, хаёлдан ўткир нарса борми дунёда? Бир зумда Қизлархоннинг хаёлидан нималар кезиб ўтмади. Аммо «кетма!» деган бир сўз ҳадеб такрорланаверди. Нега? Нега? деган сўроқ кўндаланг бўлди. Бу сўроққа ҳам унинг ўз ўйлари жавоб берди: «Сенинг ўрнинг шу ерда. Шунча ишни — пахтачиликни машиналаштиришдай муҳим ишни ёлғиз Йигиталига ташлаб кетасанми?— деди. Унинг кўзига яна Йигитали кўринди. Унинг қулоғида фақат унинг нидоси...

«Иккаламиз бир қишлоқнинг боласи.

Шаҳарда ҳам тинчлик бермас ноласи»... деб ўйлади-да йўлга тушди.

— Тўхтанг, Тўхтанг!— деди Сафарбаров унинг қўлидан ушлаб. — Йигитали билан хайрлашмайсизми?

— Қайтиб келаман. Шаҳарга эмас, Бодомзорга.

Мотоцикл Сафарбаровнинг кўзидан гойиб бўлганича чанг босилиб, йўлга соя тушганда қайтди.

Қизлархон тўппа-тўғри Йигиталининг олдига борди. Юзи, кўзи кулиб туриптн. Қошиям чимириляпти...

— Совхоз механизатори Қизлархон Қориева билан танишинг!

Йигитали агрегатни тўхтатиб, пастга отилди-да, Қизлархоннинг хипча белини қучди ва кўзини кўзига, лабини лабига қўйиб:

«...Тилимнинг учида шакар берайин!»— деди...

Пахтакорларга атаб

Бу йил Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти пахтазор қаҳрамонлари фаолиятига бағишланган сериялы рангдор плакатларни кўплаб босиб чиқарди. Уларда пахтадан мўл-кўл ҳосил етиштираётган илғор хўжаликларнинг иш тажрибалари кенг оммалаштирилган.

М. Калинин, Г. Чиганов, В. Евенко, В. Моргунов, С. Марфин каби график рассомларнинг пахтакорларга бағишлаб ишлаган плакатларида терим машиналарининг афзалликлари жонли ҳамда таъсирли тасвирланган. Рассом Д. Махотин янги асарини «Валентин Тюпко бригадасига тенглашинг!» деб номлаган.

«Терим машиналарига кенг йўл» деган серияда нашр қилинган плакатларда Меликўзи Умурзоқов, Жавод Кўчиев, Назиртой Тўраев, Шарофат Баракаева каби моҳир механизаторларнинг илғор иш тажрибалари ҳикоя қилинади. 50 дан ортиқ номда босиб чиқарилган бу плакатлар пахта далаларига юборилди.

Шунингдек, пахтадан мўл ҳосил етиштириш, кўрик ерларни ўзлаштириш, пахтачиликда илғор иш методларини қўллашга доир плакатлар ҳам кўплаб нашр қилинди.

Пахта йиғим-терими мавсумига мослаб чиқарилган турли шиор ва варақалар ҳам ишланишни ҳамда безагн жиҳатидан диққатга сазовордир.

А. АКБАРОВ.

Қишлоқ янада обод бўлади

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз қишлоғи йилдан-йилга ободонлашиб бормоқда. Қишлоқда барча жамоат бинолари ва колхозчиларнинг хонадонлари тўла радиолаштирилди.

Бу ерда якка тартибда уй қуришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб чиқди. Шунингдек, яқинда колхоз ўзининг янги аптекасига ҳам эга бўлди. 4 километрлик йўл ремонт қилинди.

Қишлоқнинг келажаги бундан ҳам порлоқдир. Келгусида бу ер шаҳар тусини олади. Ҳозирги кунда кўп қаватли уйлар, стадион, истироҳат боғи ва комсомол кўли қурилиши бошлаб юборилди.

С. САЙФУТДИНОВ.

Илмий-техника фильмлари фестивали

Шу кунларда Тошкентдаги шаҳар кинолекторийсида илмий-техника фильмлари фестивали давом этмоқда. Фестиваль программасига мамлакатимиздаги киностудияларда кейинги икки йил ичида ишлаб чиқарилган ҳужжатли фильмлар киритилган. Улардан Ил-18 самолёти ва Ил-14 самолётининг ўлкани ютуқлар, шунингдек, [illegible] хоналарида ишлаб чиқарилаётган [illegible]ни тўла автоматлаштириш, Қурсатилган дастгоҳлар пойтахт механикаларида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, «Янги автоматлаштирилган завод», «Автоматлаштиришнинг сирлари» деган ҳужжатли фильмлар ишланиши ҳамда объектларнинг танланишни жиҳатидан ҳам ҳаётимизга манзур бўлди.

Фильмлар бошланишн олдидан пойтахтдаги саноат корхоналарининг инженер-техник ходимлари томонидан ишлаб чиқаришни механизациялаштиришга оид янгиликлар ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказилмоқда.

Илмий-техника фильмлари кинофестивали шу йил охиригача давом этади.

Ж. ҚОРАБОЕВ.



Республика Фанлар Академиясининг нефть ва газ институти илмий кучлари мамлакатимизни, шу жумладан Ўзбекистонни арзон ёқилғи — газ билан таъминлаш соҳасида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Суратда: Институт лабораториясининг бошлиғи Зариф Иброҳимов (ўнгда) илмий ходимлардан А. Эшмуҳамедов ва Нина Георгиневалар билан тоғ жисмларининг газ ўтказувчанлигини текширмоқдалар.
И. Қўчқорбеков фотоси.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ТУҒРУҚХОНА НЕГА БИТМАЙ ҚОЛДИ?

Партия ва ҳукуматимиз аҳоли соғлигини сақлаш ҳақида жуда катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида КПСС Марказий Комитетининг «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва аҳолининг соғлигини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорлари чиқарилди. Бу қарорлар муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Кўплаб янги касалхона, амбулатория бинолари қуришга киришилди. Маъмурий бинолар шифохоналар учун бўшатиб берилаётир. Ново-московская кўчасида 700 койкали янги шифохона ишга туширилди. Янги поликлиника, амбулаториялар ташкил этилди. Булар ҳаммаси яхши.

Аммо жуда зарур бўлган туғруқхона масаласининг аҳволи ҳали ҳам чатоқ. Бунинг сабаби шундаки, қуриб битказилиши лозим бўлган туғруқхоналар ўз вақтида битказилмаяпти. Жумладан, ўтган йилиёқ ишга туширилиши лозим бўлган Чиланзор массивидаги туғруқхона ҳамон битмайди. Бино 159-қурилиш трести (бошлиғи Ўртоқ Қаюмов)га қарашли. Маълумки, Чиланзор массивида минглаб аҳоли яшайди. Лекин шундай жойда туғруқхона йўқлигидан у ердаги хомиладор аёллар кўпинча шаҳардаги бошқа туғруқхоналарга келтирилади. Шунинг учун ҳам туғруқхоналарда айрим ҳолларда жой етишмай қолаётир.

Қурилиш бошқармасининг бошлиқлари бу бинони тезроқ битириш зарурлигини наҳотки тушунмасалар!

О. ҒУЛОМОВА,
Ф. УСМОНОВА.

ҲАММА ХУРСАНД

Кўктепакдаги касалхона Калинин райони территориясида яшовчи аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатмоқда. Бу муассасанинг колхозларда, саноат корхоналарида ва темир йўл станциясида 7 та медицина пункти ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси медицина жиҳозлари билан тўла таъминланган. 2 та тез ёрдам машинаси шу касалхона ихтиёрига берилган.

Бу ерда тажрибали врачлар, 30 дан ортиқ медицина мутахассиси — фельдшерлар, ҳамшира- ва акушер-[illegible]хонасининг сахни кенгайтирилди. Булардан ташқари хирургия, тери касаллиги бўлимларидан иборат янги корпус ишга туширилди. Бу билан койкалар сони 100 тага етказилди.

Ҳозирда яна 25 койкали янги туғруқхона қуришга киришилди.

— Аҳоли соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, — дейди касалхона бош врачи Муртазо Эшонхонов, — бизнинг шарафли бурчимиздир. Биз ростовлик медиклар ташаббусн асосида ишлаяпмиз. Врачлардан Ф. Сулаймонова, Ҳ. Каримов, Ҳ. Иброҳимовалар иш вақтларидан ташқари пайтларда беморларни қабул қилиб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

[illegible] гигиенасига оид турли темаларда суҳбат ва лекциялар ўтказиб турадилар.

Колхоз ва совхозларда, завод ва фабрикаларда ташкил этилган медицина постлари хизматидан ҳам ҳамма миннатдор.

Т. АЛИМОВ.

К У З

Бунча ҳам тўкин келдинг,
О, менинг олтин кузим.
Боғларимга файз бердинг,
— Тўйгунингча е,— дединг,
Оқизиб шарбат узум.
Тонгда полизда кездим,
Тил ёрар Қизил уруг.
Боғингдан анор уздим,
Хумда мусаллас суздим,
Чарчашни билганим йўқ.
Юзимнинг қизиллиги
Қибрайнинг олмасидан.
Кузимнинг асллиги
Ва олтин фасллиги —
Ишчан, толмаслигидан.

Хайриддин САЛОҲ.

МАКТАБЛАРДАН ДАРАКЛАР

Оржоникидзе районидаги 55-мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилаяпти. Бу эса ўқувчиларнинг дарсдан сўнг ижтимоий фойдали меҳнат билан кўпроқ шуғулланишлари учун катта имкон берди.

Юқори синф ўқувчиларининг ҳаммасини тўғарак машғулотларига жалб қилиш мақсадида қўшимча устахона ва фан кабинетлари қуриляпти. Яқин кунлар ичида тўртта хона сифатли ремонт қилиниб, ҳунарманд ўқувчилар ихтиёрига берилади. Мавжуд устахоналар токарлик станоги, асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланади. Булар учун 8 минг сўм маблағ ажратилди.

Ҳозир мактаб ўқувчилари ўзларининг иккита универсалига ҳам эга.

Р. Убайдуллаев,
И. Рустамов.

* * *

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоларининг кўпчилигини меҳнатсевар ёшлар ташкил этади. Уларнинг илтимоси билан колхоз правлениеси шу хўжалик территориясида кечки-ёшлар мактаби очиб, яхши ташаббус кўрсатди. Ҳозир мактабга 50 дан ортиқ колхозчи йигит-қиз жалб қилинган. Бу ерда колхоз механизаторлари ҳам билим олишмоқда.

Ёшларга Сталин номли ўрта мактабнинг тажрибали ўқитувчилари дарс бераётирлар.

* * *

Пахта йиғим-терими авж олдирилган ҳозирги кунда Гулистон районидаги 8-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари колхозчи ота-оналарига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Бу ерда ўқувчилардан иборат комсомол бригадаси ташкил этилган. Унга мактабнинг илмий мудири Ўртоқ М. Цой бошчилик қилади.

Ватанпарвар ёшлар Крупская номли колхоз далаларида ишлаб, пахтакорлар ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Х. Сафаров.



«Тошкент» аэрологик станциясида ҳар куни юқори атмосфера қатламларидаги ҳавонинг ҳолатини, намлик даражаси ва температурани кузатиш ишлари олиб борилади. Суратда: радиолокатор ёрдами билан кузатиш ўтказилмоқда.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Халқаро аҳвол

БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитетида

НЬЮ-ЙОРК, 27 октябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Сиёсий комитетида қуролсизланиш масаласи юзасидан мунозара давом этмоқда. Бугун эрталабки мажлисда Белоруссия ССР делегациясининг бошлиғи К. В. Киселев катта нутқ сўзлади. Еппасига ва батамом қуролсизланиш юзасидан Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисида совет делегацияси бошлиғи Н. С. Хрушчев томонидан тақдим этилган план,— деди Киселев,— жуда ҳам равшан ва жуда ҳам конкрет пландир. Бу планда қуролсизланиш проблемасини ҳал этишнинг реал ва конструктив йўли кўрсатиб берилган.

Белоруссия делегациясининг бошлиғи қуролсизланиш ҳақидаги музокараларнинг муваффақиятли ўтмаётганлиги учун айбни Совет Иттифоқига тўнкашга уринаётган АҚШ вакилининг уйдирмаларини фош қилиб, бундай деди: АҚШ қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларнинг бардош бўлганлиги учун асосий айбдордир. Қўшма Штатлар сўзда қуролсизланишни ёқлаб чиққани ҳолда, амалда қуролсизланиш тўғрисида битим тузилишига йўл қўймаслик учун бутун кучларини сарф қилмоқда.

АҚШ ва Ғарб мамлакатлари қуролсизланишни хоҳламайдилар. АҚШда 100 йирик концерн ҳар йили барча ҳарбий заказларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини олмоқда. Бу ҳарбий заказларнинг қиймати 13—15 миллиард долларга бориб етади. Ядро ва ракета қуроли ишлаб чиқараётган монополиялар жуда кўп фойда олмоқдалар. Улар ҳар йили 10—11 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Кейинги йилларда Америка ҳарбий корпорацияларининг фойдаси бошқа саноат корхоналарининг ўртача фойдасига нисбатан қарийб икки баравардан зиёд ошиб кетди. Ҳозирги вақтда АҚШнинг ҳарбий саноати жуда катта фойда келтирмоқда. АҚШ кейинги саккиз йил ичидагина қуролли кучларга 340 миллиард доллар сарф қилди. Ҳарбий саноат монополиялари Қўшма Штатларнинг сиёсатига жуда катта таъсир кўрсатмоқдалар.

Кисилев сўзини давом эттириб бундай деди: Ҳарбий блокларда аъзо бўлган Ғарбнинг бошқа мамлакатларида ҳам худди шундай аҳволни кўрамиз.

Шимолий Атлантик блокидаги мамлакатларнинг 1949 йилдан тортиб 1959 йилгача сарфлаган ҳарбий харажатлари 555 миллиард долларга етди. Бу эса, иккинчи жаҳон уруши вақтида Ғарбий Европанинг урушган барча мамлакатлари қилган ҳарбий харажатлардан ортиқдир.

Белоруссия ССР делегациясининг бошлиғи айтдики, Ғарб мамлакатлари қуролсизланиш масалаларини ҳал этишга жиддий ёндашишни истамаётирлар ва қуролсизланиш ҳақидаги музокаралардан зўр бериб қуролланишни ниқоблаш учун фойдаланишни давом эттирмоқдалар. Уч мамлакат — АҚШ, Англия ва Италия тақдим этган резолюция, деди Кисилев, қуролсизланиш юзасидан қатъий муддатлар белгилашни ҳам, бирор босқичда олинадиган аниқ-равшан мажбуриятларни ҳам кўзда тутмайди.

Белоруссия ССР делегацияси, деди Кисилев, Сиёсий комитет ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартномаларнинг асосий принципларини баён қилинган резолюцияни қабул қилиши ва қуролсизланиш юзасидан янгидан тузилган комитетнинг тўғри йўлдан боришига имкон берадиган директивалар бериши лозим деб ҳисоблайди. Совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев шу йил 13 октябрда тақдим этган резолюция лойиҳасида ана шу принциплар баён қилинган.

Кисилев сўзининг охирида бундай деди: СССР ҳукуматининг бошлиғи Н.С. Хрушчевнинг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида шу сессияга тақдим этган янги таклифлари халқларнинг орзу — тилакларига тамомила мувофиқдир.

Греция вакили ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартноманинг асосий принципларини баён қилинган Совет Иттифоқи резолюциясининг қабул қилинишига қарши чиқди. Унинг келтирган баҳонаси шуки, бу принциплар «шунингсиз ҳам равшан» эмиш.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 28 октябрь, (ТАСС). Сиёсий комитетнинг 27 октябрдаги кундузги мажлисида Ҳиндистон ва Франция вакиллари қуролсизланиш масаласи юзасидан сўзга чиқдилар.

Ҳиндистон делегацияси нинг бошлиғи Кришна Менон ўз сўзида бу мажлис Сиёсий комитетнинг 1097- мажлиси бўлиб, унинг ишида қуролсизланиш проблемаси асосий ўринни эгаллаб келганлигини таъкидлаб ўтди. Қуролсизланиш масаласининг бу гал ҳам яна резолюциялар гирдобида қўмилиб кетишига йўл қўймаслик керак деди у. БМТ Бош Ассамблеяси ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини тўхтаб қолган жойидан силжитмоқ учун қачон ва қандай тадбирлар кўришга доир муайян директивалар қабул қилиши лозим. Еппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаси мустаҳкам ва давомли тинчликни таъминлашнинг бирдан-бир гарантиясидир. Биз инсониятни воқеаларга янгича қарашга ишонтирмоғимиз лозим. Урушсиз дунё барпо этмоқ зарур.

Кришна Менон Ҳиндистон қурол-яроғларни баланслаштириб камайтириш концепциясига қўшилмаганлигини уқтириб ўтди. Тинчликка таҳдид солмайдиган қуролланиш даражаси бўлиши мумкин эмас, деди у. Еппасига ва батамом қуролсизланиш амалга оширилгандагина урушларсиз дунёни барпо этмоқ мумкин. Ҳиндистон делегати инглиз резолюцияси лойиҳасига тўхталиб, шуни кўрсатиб ўтдики, Англия ҳукумати таклиф қилаётганидек техника комитетини ташкил қилиш проблемани сиёсий жиҳатдан муҳокама қилишнинг ўрнини босолмайди.

Ҳиндистон делегати БМТ Бош Ассамблеяси ҳеч қандай ҳарбий пактларга қўшилмаслик ҳамда ядро*қуролини жойлаштириш учун ўз территорияларини бермаслик ҳақидаги чақириқ билан янги давлатларга мурожаат қилсин, деган таклифни киритди. У Гана президенти Нкрумаҳнинг Африкани атом қуролидан ҳоли бўлган зона деб қараш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан у Польша резолюцияси лойиҳасини ёқлаб гапирди.

Франция вакили Берар унинг ҳукумати Сиёсий комитетдаги мунозарнинг боришидан қониқмаётганлигини айтиб, қуролсизланиш масаласида Францияннг эски позициясини такрорлаш билан кифояланди. Берар Англия резолюцияси лойиҳасини ва Ғарбдаги уч давлат (Англия, Италия ва АҚШ) резолюциясининг лойиҳасини қўллаб-қувватлади ва Женевадаги музокараларни тиклашни ёқлаб гапирди.

Жиноий фитна барбод бўлди

БЕЛГРАД, 28 октябрь, (ТАСС). Конго шарқий вилояти ҳукумати мустамлакачиларнинг ана шу вилоятни Конго Республикасидан ажратиб қўйишга қаратилган жиноий планини барбод қилган.

ТАНЮГ агентлиги мухбирининг Стэнливилдан хабар қилишича, марказий ҳукуматнинг собиқ министри Сонголо қамоққа олинган. Фитначилар томонига ўтиб олган бу ҳоин ўнлаб Мобуту тарафдорлари билан биргаликда Стэнливилга келган эди.

Сонголони қамоққа олиш пайтида унинг ёнидан топилган ҳужжатлар у шарқий вилоятни Конго Республикасидан ажратиб, у ерда қўғирчоқ ҳукумат ташкил қилиш топшириғини олганлигидан далолат бериб турибди.

Мобутунинг ҳийла-найрангига кўра, шарқий вилоятни Конго Республикасидан ажратиб қўйиш Лумумбанинг қонуний ҳукуматига кучли зарба берган бўлар эди, чунки шарқий вилоят унинг «Конго миллий ҳаракати» партиясининг таянчи бўлиб, вилоят ҳукумати эса мамлакатнинг территориал бутунлиги учун доимо курашиб келган.

Сонголо «кабинетига» фитнада қатнашганликлари учун кўп миқдорда пул олган айрим депутатлар кириши лозим эди.

Сонголо ва унинг «министрлари»ни тинтув пайтида уларнинг ёнларидан 30 миллион франк олиб қўйилган. Стэнливилда чиқадиган «Ухуру» газетасининг ёзишича, бу пуллар Конгода иш кўрган Америка ва Бельгия компаниялариданолинган.

Англияда сув тошқинлари

ЛОНДОН, 28 октябрь, (ТАСС). Кечаги кун кўпгина инглизларга офатлар келтирди. Қаттиқ ёмғир оқибатлари натижасида марказий ва ғарбий Англиянинг дарёлар ўз қирғоқларидан тошиб, шаҳар ва қишлоқларни сув босган. Масалан, Девоншир графлигининг бош шаҳри — Эксетерда Сен-Томас райони бутунлай сув остида қолган. Шу районнинг кўчаларида сув бир ярим метргача кўтарилган. Аҳоли яшайдиган Линмут (Шимолий Девоншир) пунктида ҳам худди шундай аҳвол юз берган.

Тонтон шаҳрида (Somersetшир) уч юзтадан кўпроқ турар жой биноларини ва юзага яқин магазин ва корхоналарни сув босган. Шаҳар атрофида жойлашган иккита стадион бутунлай сув остида қолиб кетган.

Йоркшир ва Норфолк, Жанубий Уэльс ва Шимолий Корнуэлл графликларига катта зарар етказилган. Автомобиль уюшмасининг хабар қилишича, ўттизтадан кўпроқ катта тош йўллар бутунлай ишдан чиққан. Темир йўл транспорти бошқармаси Эксетер-Плимут — Шимолий Корнуэлл ўртасидаги темир йўлда поездлар қатнови тўхтаб қолганлигини хабар қилган.

Икки жаҳон системасининг иқтисодий мусобақаси

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясидаги совет делегациясининг иши тўғрисида халққа ҳисобот берганида Никита Сергеевич Хрушчев бундай деди: «Ҳозир бутун дунёга равшан кўриниб турибдики, халқ енгиб чиқаётган, жамиятни ташкил этишда янгилик устунликни ўз қўлига олаётган мамлакатларда, яъни социализм ғалаба қилаётган мамлакатларда чинакам эркинлик бор, халқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда, маданият юксалмоқда. Социализм шароитида эркин халқ инсониятнинг улуғ мутафаккирлари Маркс, Энгельс, Ленин яратиб берган таълимот асосида янги турмуш қурмоқда. Бу таълимотнинг самаралари эндиликда, эҳтимолки, сиёсий кўр бўлиб қолган кишилардан бошқа ҳамма кишиларга кўриниб турибди».

Дунёнинг энг йирик индустриал давлатларида саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг индекси ҳамда жаҳон бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда социализм мамлакатларининг ҳиссаси ҳақида Марказий статистика бошқармасининг «Вестник статистики» журналининг сўнгги сонида эълон қилинган материаллар ҳам Н. С. Хрушчевнинг бу сўзларини яққол тасдиқлаб турибди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1913 йилдан то 1959 йилгача Совет Иттифоқида 40 баравардан зиёд кўпайди (йирик саноатда эса 59 баравар кўпайди). Шу вақт мобайнида АҚШда ишлаб чиқариш ҳажми 5,05 баравар, Англияда 1,87 баравар, Францияда 2,33, ГФРда 3,13 ва Италияда 4,47 баравар кўпайди, холос.

Бу рақамларнинг ўзи шу қадар маънолидирки, буларни шарҳлаб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ. Фақат шуни кўрсатиш керакки, Совет Иттифоқининг ўз саноатини ривожлантиришдаги ажойиб динамизм ҳеч иқтисодиё социалистик лагердаги ҳамма давлатларга ҳам хосдир.

Масалан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1959 йили 1938 йилдагига нисбатан Албанияда 22,5 баравар, Венгрияда 4,18 баравар, Руминияда 4,34 баравар ўсди. Худди шу йили 1939 йилдагига нисбатан саноат ишлаб чиқариши Болгарияда 11 баравар кўпайди, Польша ва Чехословакияда эса (1937 йилдагига нисбатан) 6,74 ва 3,6 марта ошди. Халқ Хитойига келганда, бу ерда индустриал ишлаб чиқариш 1959 йили мамлакат озод бўлгунга қадар кўрилган энг юқори ўсишдан 6,46 марта кўп бўлди. Маълумки, ҳеч бир капиталистик мамлакат бундай ўсиш суръатларини билмайди, албатта.

Келтирилган рақамлар бошқа жиҳатдан ҳам қизиқарликдир. Шуни сезиш қийин эмаски, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг энг юқори суръатлари халқ демократик тузуми ўрнатилмасдан олдин ўз индустриал тараққиётида муайян даражада орқада қолган мамлакатлар учун характерлидир. Шундай қилиб, социалистик лагерь мамлакатларида иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштириш процесси юз бераётир.

Бараварлаштириш процесси кўп факторлар билан шартлаштирилган. Бунда кам тараққий этган мамлакатларга кўпроқ тараққий этган мамлакатлар, даставвал Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилаётган кардошларча, бегараз ёрдам катта роль ўйнаётир. Масалан, 1948 йилдан 1956 йилгача СССРнинг берган қарзлари ва заёмлари Болгария халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағнинг тўртдан бир қисмини ташкил этди. Совет Иттифоқи иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги битимларга мувофиқ, ҳозирги пайтда халқ демократияси мамлакатларида 620 дан кўп саноат корхонаси қурилда кўмаклашмоқда. Индустриал жиҳатдан ривожланган Чехословакия ва ГДР ҳам қардош мамлакатларга талайгина миқдорда саноат ускуналари етказиб бераётир.

Социалистик мамлакатларнинг индустриал жиҳатдан гуркираб юксалаётганликлари натижасида саноат маҳсулотларини жаҳон миқёсида ишлаб чиқаришда уларнинг ҳиссалари йил сайин ошиб бормоқда. Бу ўсиш динамикаси саноат маҳсулотларининг энг муҳим турлари бўйича қуйидагича-дир:

Саноат маҳсулотларини жаҳон миқёсида ишлаб чиқаришда социалистик мамлакатларнинг ҳиссаси (процент ҳисобида)

	1950 йил	1959 йил
Кўмир (тошкўмир ҳисобидан)		
СССР	14,2	20,3
Барча социалистик мамлакатлар	28,2	49,8
Нефть (газдан ташқари) СССР	7,2	13,2
Барча социалистик мамлакатлар	8,4	15
Электр қуввати		
СССР	9,2	12,3
Барча социалистик мамлакатлар	14,9	19,9
Чўян		
СССР	14,6	19,6
Барча социалистик мамлакатлар	18,5	35,5
Пўлат		
СССР	14,4	19,7
Барча социалистик мамлакатлар	19,2	30,9
Цемент		
СССР	7,7	13,3
Барча социалистик мамлакатлар	15,7	25,8
Ёғоч-тахта		
СССР	20,1	31,3
Барча социалистик мамлакатлар	29	40
Ип-газлама		
СССР	10,6	12,8
Барча социалистик мамлакатлар	21,3	35

Эндиликда Совет Иттифоқи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни ва Европада биринчи ўринни эгаллаб турибди. Кўмир, темир рудаси қазиб чиқариш, қанд-шакар, жун газлама ишлаб чиқариш соҳасида эса Қўшма Штатларни қувиб етди ва ундан ўзиб кетиб, дунёда биринчи ўринни эгаллади.

СССР қурилиш индустриясининг уй-жой қурилишидек муҳим соҳасида ҳам дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Ўтган йили Совет Иттифоқида ҳар минг кишига 14,5 тадан квартира қурилди. Бу кўрсаткич АҚШдагидан қарийб икки ҳисса, Англиядагидан тахминан уч ҳисса, Франциядагидан икки баравардан зиёд ортиқдир. Эндиликда СССР да йилига АҚШ, Англия, Франция, Германия Федератив Республикаси, Швеция, Голландия, Бельгия ва Швейцарияни қўшиб ҳисоблаганда уларнинг ҳаммасидан кўп уй-жой қурилаётир.

Совет Иттифоқи саноат маҳсулоти энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг ўртача абсолют ўсиши соҳасида ҳам энг йирик капиталистик давлат бўлган АҚШдан ўзиб кетди. Масалан, 1954—1959 йиллар мобайнида СССР ва АҚШда йиллик ўртача ўсиш миллион тонна ҳисобида қуйидагича бўлди: чўян—2,6 ва 2,3, пўлат — 3,6 ва 2,7, тошкўмир — 26,9 ва 8,8, нефть — 12,8 ва 4,9, цемент — 3,8 ва 2; хомсуруп (миллион квадрат метр ҳисобидан) 148 ва 100, жун газлама (миллион метр ҳисобидан) 19,8 ва 5,1, чарм пойафзал (миллион пар ҳисобидан) 25,3 ва 16,7.

Бундан ташқари, СССР сўнгги йилларда АҚШдагига деярлик тенг миқдорда пўлат ишлаб чиқаради. Тўғри, қора металлга нисбатан бўлган талаб АҚШда камайиб кетганлиги туфайли у ерда пўлат эритиш қувватларининг атиги ярмидан фойдаланаётганлигини кўзда тутиш керак. Лекин шундай бўлса ҳам, Совет Иттифоқи пўлат ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан АҚШга тенглашиб қолганлиги Америка лидерларини даҳшатга солмоқда, чунки бу ҳол уларга реал истиқболни, совет экономикаси ўз ҳажми жиҳатидан Америка экономикасига тенглашажагини, кейинчалик эса уни орқада қолдириб келажагини очиқ-ойдин кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан улуғ Ленининг башорат билан айтган қуйидаги сўзларини эсламасдан бўладими: «Биз бошқа давлатларга улар ҳатто ҳаёл қилмаган даражада тезлик билан етиб оламиз... Ҳаракатга чинакам революцион партия раҳбарлик қилганида, бундай тезликка биз ишонамиз ва биз ҳар қандай қилиб бўлса ҳам шундай тезликка эришамиз». (Асарлар, 33 том, 407 бет).

Икки жаҳон системаси экономикасини таққослаганда, Уильям Фостер айтганидек, ишлаб чиқаришнинг миқдорингина назарда тутмасдан, балки шу билан бирга тақсимлаш ва маҳсулотдан фойдаланиш усулини ҳам эътиборга олмоқ керак. Бир тонна пўлат, кўмир, нефть, цемент (ёки бошқа материаллар) социалистик лагерда капиталистик дунёдаги худди шу хилдаги ва шунча миқдордаги маҳсулотга қараганда халқ хўжалигида кўпроқ самарали фойдаланилади. Бу — планга асосланадиган социалистик қурилишнинг бутун тажрибасида исботланган.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий потенциали, социал факторлардан ташқари, маълум даражада фан ва техниканинг тараққиёт даражаси билан, фан ва техника ютуқларидан технологик фойдаланиш даражаси билан, малакали техник кадрлар ва табиий хомашё ресурслари мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Зотан хомашё ресурсларидан ташқари юқорида кўрсатиб ўтилган факторлар социал факторларга — ижтимоий-сиёсий тузумга боғлиқдир.

Космосни ўзлаштириш совет космик лабораториялари дунёда фанни тараққий эттиришда етакчи ўринни ким эгаллаб турганлигига ва фан ютуқларидан технологик фойдаланиш даражаси қаерда устун бўлганлигига ҳеч кимда шубҳа қолдирмади. Техник кадрларга келганда бизда АҚШдагига нисбатан дипломли инженерлар кўпроқдир, шунингдек улар бизнинг олий ўқув юртларимизда ҳар йили АҚШ дагига нисбатан анча кўп етиштирилаётир.

Социализмнинг бахти келди — ер юзида бундай энг адолатли тузумни биринчи бўлиб ўрнатган мамлакат ўзининг табиий ресурслари жиҳатидан ҳам дунёда биринчи мамлакатдир. Совет Иттифоқида жуда муҳим фойдали қазилмаларнинг кўпчилик хилларини аниқланган запаслари ҳар қандай бошқа давлатлардагига қараганда кўпдир.

Биз, совет кишилари, планларимизнинг оширибгина бажарилишига ўрганиб қолганмиз. Бошқа социалистик мамлакатлар ҳам бунга ўрганиб қолдилар ёки ўрганаётирлар. Етти йиллик план белгиланганидан анча олдин бажарилаётир. Етти йилликнинг биринчи йили якунлари, бу йилги 9 ойлик натижалар бунинг далилидир, мамлакатимиз иқтисодий районларининг байрам олдидан бераётган рапортлари ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Нариги томонда, капиталистик лагерда аҳвол қандай?

АҚШда 1957 — 1958 йиллардаги таназзулдан сўнг юз берган ва унча узоққа чўзилмаган юксалишдан кейин яна турғунлик бошланди. Август ва сентябрь ойларида саноат ишлаб чиқариши январдагига нисбатан камайиб кетди. Америка иқтисодчилари ҳозир янги депрессия қанча узоққа чўзилади, деган масала устида фолбинлик қилаётирлар. Улар баҳима, васваса тўғдирмаслик учун «кризис» сўзини ишлатишдан қўрқадилар.

Иккинчи индустриал капиталистик мамлакат бўлган Англияда шу йилнинг ўтган уч кварталида ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан кўмир қазиб чиқариш 10 миллион тонна камайиб кетди. Сентябрь охирида автомобиль саноатининг ўн минглаб ишчилари қисқартирилган иш кунига кўчирилди. Бу ишчилар ҳафтасига 2,5 смена ишлайдилар, ўз-ўзидан маълумки, мана шу икки ярим сменалик меҳнатларига яраша ҳақ оладилар. Кемасозлик, тўқимачилик ва радиотехника саноати ҳам кризисни бошидан кечирмоқда.

Англия социал ва иқтисодий тадқиқотлар институти чиқараётган «Экономик ревью» журнали ёзадики: «Бизнинг экспортимиз рақибларимизникига қараганда ёмон ривожланаётир. Унинг кўпайиши даргумон, чет эллардаги тушкунлик бошланаётганлигининг аломатлари сезилаётганлиги сабабли экспортнинг қисқариб кетиши турган гапдир». Журнал яна ёзади: «Агар қандайдир янги омиллар пайдо бўлмаса, янаги йилда юксалишдан кўра пасайиш бўлиши кўпроқ эҳтимол тутилмоқда».

Бу анча пардалаб айтилган гап.

Капиталистик системанинг яқин орадаги истиқболлари ана шундай.

И. АРТЕМОВ,
ТАСС обзорчиси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 30 ОКТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.





Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қувури магистрали пойтахтимизга яқинлашмоқда. Ҳар кемадан шаҳарнинг саноат корхоналари ва аҳолиси табиий газдан фойдаланадиган бўлади. Шу муносабат билан «Ташгазаппарат» заводи газ плиталари ва аппаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Сиз кўриб турган суратнинг биринчисида ана шу заводда тайёрланаётган газ плиталарнинг навбатдаги партияси конвейердан чиқаётгани ифодаланган. Иккинчи сурат «Узгоспроект» институтидан олинган. Бу суратда институт ходимлари (чапдан) А. Бурнашева, Г. Ботирова ва Т. Калиновская ўртоқлар ўзлари ишлаган Фарғонадаги йирик панелли уйлардан ташкил топадиган микрорайон лойиҳаси макетини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



ЎРТОҚ ШОДМОНОВ ВА БОШҚАЛАР

Қизиқ-қизиқ ҳангомалар кўрай десангиз, якшанба ва жума кунлари Мирзачўл бозорига қараб йўл олаверинг, олувчидан сотувчи кўп, жазманидан даллоли кўп деганларидек, бу ерда ҳам чайқовчи ва олибсотар бамисоли уйи бузилган чумолидек тўзиб ётади. Ўзингизга ҳушёр бўлмасангиз, нақ сизни ҳам «талаб» кетиши ҳеч гап эмас... Айниқса бозор саҳнига кўчиб чиққан дўконларда ҳангомани энг каттаси бўлади. Бир сотувчи читнинг нархини ўзи истаганча ошириб сотса, бошқаси даврлат қандини, худди дадаси уйида ясаб берган қанддек, устама нарх билан пуллаётган бўлади. Ленин сельпосига қарашли 8-магазиннинг сотувчиси Қодир Шамиров қаллобларнинг устози деб ном олган. Тунов куни Эргаш Маматқуловга бир кийимлик штапель сотиб, 8 сўм 50 тийин ҳақини уриб қолаётганда қўлга тушиб қолди.

— Бу уят-ку, — десак.

— Нега уят экан? — дея тиржайиб тураверди.

Шамиров ёнгинасида кўзлари ўккиникидек ўйнаб турган Рауф Хўжаев автолавканинг мудири ҳисобланади. Бу, одамлик қиёфасини йўқотиб қўйишига сал қолган шахс ҳам қаллоблик ҳисобига кун кечиради. 16 сентябрь куни дастурхоннинг асл нархи устига 5 сўмдан қўшиб сотаётганда қўлга тушди.

— Ҳорманг энди, — десак.

— Устингиздан Шодмоновга ёрдам қиламан! — дея шовқин солиб, бутун бозорни бошига кўтарди.

18 сентябрь куни Октябрь сельпосига қарашли 1- магазиннинг сотувчиси Абдусалом Қодиров ҳам навбатдаги белгул «тамошалари»дан бирини кўрсатди. Бир маҳал ўша томондан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Борсак, даладан келган колхозчилар уни ...

— Ҳой, инсофсиз, бу пулни биз пешона тери билан топганмиз.

— Ўғри бўл, инсофли бўлда...

Аммо Қодиров бетимнинг қалини жонимнинг ҳузури деб, болалар керзи этигининг ҳар жуфтига 6 сўмдан қўшимча нарх қўйиб уриб сотмоқда.

Хуллаки калом, қизиқ ҳангомаларнинг ҳаммаси мана шу Мирзачўл бозори ва унинг атрофидаги магазинларда бўлади. Октябрь сельпосига қарашли 12- магазин мудири Ким Нина Николаевна, Ленин сельпосидаги 15- магазин мудири Хўжабек Жониқулов, шу сельпонинг 2- магазин сотувчиси Шарқия Зоирова, Мирзачўл рабкоопидаги Мансуровлар харидорлар ҳақини уриб қолишда бири-бирига устозу, бири-бирига шогирд. Буларнинг ҳеч бирига нотўғри қилаяпсан деб айта олмайсиз.

— Қўлингдан келса, нари борганда Шодмоновга ёзиб берарсанда, деб тиржайиб, сени мазах қилиб, тек туришаверади. Район матлубот жамиятининг раиси ўртоқ Шодмоновга бу қаллоблар ҳақида гап очсангиз: «Менинг магазинчиларимга тил тегизманг, бизни тинч қўйинг!» — деб, юзини терс ўгириб олади.

Биз, район милиция бўлимининг ходимлари Шодмоновнинг қаллобларни актив ҳимоя қилишидан, ниҳоят, қаллобларнинг раис паноҳига беркинаётганларидан ўлар ўртасида аллақандай сир бўлса керак, деган хулосага келдик. Бу аҳволга район раҳбарлари қандай муносабатда бўларкинлар?!

Х. ИКРОМОВ,
А. ҚУЛМУРОДОВ,
К. САЛМЕТОВ,
Гулистон район милиция бўлимининг ходимлари.

ОНАЛАР ШИКОЯТИ

Қадрли «Ўртоқмоқ»!

Октябрь районидаги 16- яслининг мудири А. А. Назаренконинг кўрсатаётган ярамас қилиқлари сабр косамизни гўлдириб юборди, пичоқ бориб суякка етди. Кўз ўнгимизда жондан азиз фарзандларимизнинг ризқи-рўзини туя қилаётган, дўмбоқдек ўғил-қизларимизнинг тегишли овқатидан ўмариб, болалар ризқига хиёнат этаётган бу хонимнинг танобини тортиб қўймасанг бўлмайдиганга ўхшаб қолди.

Назаренко ёш болаларни алдаб, йўлидагини ... гортиб ейишда ном чиқарган. Болаларимизга бериладиган қанд, ... ҳум, ёғ ва гўштларни чўнтагида ... ўз уйига ташиганини ... ташиган ... ...